

Доимо оилангиз ва фарзандларингиз, элу юртимиз ардоғида бўлинг, азизларим, меҳрибонларим!

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!



ЎЗБЕКИСТОН ОҶОҶИ

• 2016-yil, 6-mart. Yakshanba • 28-29 (32.088)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

• 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

• www.uzbekistonovozi.uz

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Муҳтарама онахонлар, қадрли опа-сингиллар, дилбар қизларим!

Она табиат чирой очиб, атроф-муҳит яшил либосга бурканиб, баҳор нашидаси тобора кучайиб бораётган аини шу фусункор айёмда сиз, азизларимни, сизларнинг тимсолингизда бутун Ўзбекистон хотин-қизларини 8 март байрами билан чин қалбимдан табриклашни ўзим учун катта бахт деб ҳисоблайман.

Мана шу байрам кунларида биз — юртимизнинг кексаю ёш барча-барча эркак зоти, мард ўғлонлари ҳақиқатан ҳам Яратганининг мўъжизаси бўлиб аёл сиймоси олдида, авваламбор, меҳрибон оналаримиз олдида бош эгиб, таъзим баҳо келтирамиз.

Мунис опа-сингилларимиз, вафодор умр йўлдошларимиз, дунёдаги энг чиройли, латофатли қизларимизни табриклаб, уларнинг шаънига самимий ва эзгу тилакларимизни, чуқур ҳурматимизни изҳор этамиз, жажжи қизалоқ набира-ларимизни бағримизга босиб, чин юракдан қўлаймиз.

Шу кунларда ҳаммамизнинг тилимизда, дилимизда бўлган бир фикрни ҳеч иккиланмасдан айтишни зарур деб биламан.

Бу дунёда ширин ва аҳил, бахтли ҳаёт учун пойдевор яратиш, инсонни инсон, оилани мустақам оила қиладиган, биз учун севги-муҳаббат, вафо ва садоқат тимсоли бўлиб келаётган сиз, гўзал ва бетакор, қадрлон аёлларимиз, лесак, аини ҳақиқатни айтган бўламиз.

Чиндан ҳам, ўзининг бекиёс меҳри ва фидойилиги, сабр-қаноати ва ҷиддалиги билан хонадонларимизда, бутун жамиятимизда тинчлик-хотиржамлик, тотулик ва ҳамжиҳатлик муҳитини сақлаб, ҳаётимизга файзу тароват бағишлайдиган, тунлари бедор бўлиб, болаларимизни баркамол инсонлар, Ватанимизнинг мард ва жасур ҳимоячилари этиб вояга етказадиган ким?

Меҳрибон ва оқила аёлларимиз эмасми?

Умр йўлларимизда қандай оғир синов ва машаққатлар дуч келмасин, уларни енгиб ўтишда руҳимизни кўтариб, кучимизга-куч, ғайратимизга-ғайрат қўшадиган инсонлар ҳам, ҳеч шубҳасиз, дунёдаги энг мўътабар зотлар, қалби дарё аёлларимиздир.

Шу маънода, Алишер Навоий бобоимизнинг «Аёллар — фаршталарнинг опа-сингилларидир» деган ҳикматли сўзларида қандай чуқур маъно борлигини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Ҳурматли юртдошлар!

Биз ўз олдимизга қўйган олий мақсадимизга эришиш йўлида, яъни жаҳондаги энг тараққий топган, демократик ва эркин давлатлар қаторига кириш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш, халқаро майдонда мамлакатимизнинг обрў-эътиборини юксалтиришда, муҳтасаб қилиб айтганда, бугун Ўзбекистонимиз қўлга киритаётган қайси марраларда — бу қайси соҳа, қайси касб-хунар бўлмасин, уларнинг барчасида аёлларимизнинг муносиб, буюк ҳиссаси борлигини миннатдорлик билан таъкиллаймиз.

Бу ҳақда гапирганда, хотин-қизларимизнинг нафақат кундалик турмушда, балки давлат миқёсидаги энг муҳим масалаларни ҳал қилишда ўрни ва роли тобора ортиб бораётганини алоҳида қайд этишни зарур деб биламан.

Бугунги кунда юзлаб депутат аёлларимиз Олий Мажлис ва маҳалли Кенгашларда халқ вакиллари бўлиб фаолият кўрсатаётгани, давлат ва жамият бошқарувида, сиёсий ва ижтимоий ҳаётимизда, фуқаролик институтлари ва нодавлат тузилмаларда қанчадан-қанча опа-сингилларимиз эл-юрт манфаати учун жонбозлик билан хизмат қиладиганини ҳурмат билан эътироф этамиз.

Биз учун устувор аҳамиятга эга бўлган таълим-тарбия, маданият ва илм-фан

соҳаларида меҳнат қиладиган ходимларнинг 73 фоизини, соғлиқни сақлаш тизимида 75 фоизини, ишлаб чиқариш тармоқларида 42 фоизини, қишлоқ хўжалигида 43 фоизини айнан аёллар ташкил этаётгани уларнинг ҳақиқатан ҳам бирор-бир соҳада ҳеч кимдан қолшмаслигини кўрсатади.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиздаги кичик бизнес субъектларининг 120 мингдан зиёдини, фермер хўжаликларининг 4 минг 550 дан ортIGINи хотин-қизлар самарали бошқариб, барчага ўрнав ва намуна бўлиб келмоқда.

Мен жойларда бўлиб, мана шундай ўзининг қадр-қимматини, ҳаётнинг пас-ту баландлини яхши биладиган, келажакка катта ишонч билан қараб, сидқидилдан меҳнат қиладиган опа-сингилларимиз билан учрашиб, суҳбат қурганда, очигини айтишим керак, ўзим учун катта таас-сурот, маънавий-руҳий қувват оламан.

Жамиятимиз тараққиётини бугунги юксак босқичга кўтаришда дунёда ўхша-ши кам бўлган ноёб тузилма — маҳалла фаолларининг, хусусан, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи бўлиб ишлаётган, кўпни кўрган, жонкуяр опа-сингилларимизнинг бекиёс ҳиссаси борлиги барчамизни албатта қувонтиради. Элу юртимиз ўртасида соғлом муҳитни мустақамлаш, хонадонларда турли гинаю аразларнинг олдини олиш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш борасида ўзини аямасдан меҳнат қиладиган ана шундай минг-минглаб аёлларимизга ўз номимдан, халқимиз номидан самимий ташаккур изҳор этишни ўзимнинг бурчим, деб биламан.

Азиз опа-сингиллар! Биз Ватанимиз мустақиллигининг биринчи кунларидан бошлаб юртимизда оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш каби муҳим вазифаларни давлат сиёсати даражасига кўтарганимиз ва бу соҳада амалга ошираётган ишларимиз бугунги кунда жаҳон миқёсида ҳавас билан тан олинмоқда.

Бу ҳақда кўп гапирмасдан, биргина 2015 йилнинг ўзида тadbirkor аёллар учун ажратилган кредитлар 1 триллион 255 миллиард сўмни ёки 2014 йилга нисбатан 130 фоизни ташкил этганини айтиш кифоя, деб ўйлайман.

Ҳеч шубҳасиз, бундай кўмак ва ёрдам хотин-қизларнинг қобилияти ва салоҳиятини рўёбга чиқариш, уларнинг жамиятимиз ҳаётидаги муносиб иштирокини таъминлашда муҳим амалий қадам бўлмоқда.

Ўтган йили касб-хунар коллежларини битирган 230 мингдан кўпроқ қиз болалар ишга жойлаштирилган, тadbirkorлик соҳасида ўз ишини бошлаётган 6 мингдан ортиқ ёш қизларга 51 миллиард сўмдан зиёд кредитлар ажратилган ҳам опа-сингилларимизнинг ҳаётиги манфаатларини таъминлаш борасидаги салмоқли ишларини қаторида киради.

Шу билан бирга, кейинги икки йилда 2 минг 80 та хонадонга мўлжалланган 57 та кўп қаватли «Қамолот» уйлари барпо этилиб, ёш оилаларга берилгани, минглаб ёшларимиз учун имтиёзли ипотека ва истеъмол кредитлари ажратилгани ва бундай тadbirlar изчил давом эттирилаётганини қайд этиш ўринлидир.

Шулар ҳақида сўз юритар эканмиз, 2015 йилда 1 минг 668 нафар спортчи-миз, жумладан, 567 нафар қизимиз халқаро мусобақаларда иштирок этиб, 983 та медалга эришгани, иқтисодий фарзандларимиз нуфузли халқаро танловларда 137 та совринли ўринни, жумладан, 76 та гран-прини қўлга киритганини юртимизда соғлом ва баркамол авлодни шакллантиришга қаратилган кенг қўламли ишларимизнинг амалий нати-жаси сифатида қабул қиламиз.

Айни вақтда хотин-қизларимиз учун янада қўлай шароитлар яратиш, уларнинг оғирини енгил қилиш, ўз билим ва профессионал малакасини амалда намоён этиши учун кенг йўл очиб бериш бўйича ҳали кўп иш қилишимиз керак.

Айниқса, жондан азиз фарзандларимизни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган инсонлар қилиб камол топтириш, аввало, қиз боланинг тақдири ҳақида ғамхўрлик қилиш, уни бамисоли жамиятимизнинг гулидек тарбиялаб, вояга етказиш, бўлажак оиланинг бахтли бекаси сифатида қўриш вазифаси, яна ва яна бир бор айтман, барчамизнинг энг олий мақсадимиз бўлиши даркор.

Нега деганда, бунинг негизда халқимиз, миллатимизнинг ҳаёти, келажаги билан боғлиқ олдий ва шу билан бирга, ўта масъулиятли ҳақиқат мужассам бўлиб, уни ҳеч қачон унутмаслигимизни истардим. Яъни, қизларимиз тимсолида биз авваламбор бўлгуси оналарни, ҳам жисмоний, ҳам маънавий соғлом авлодни ўзимизга тасаввур қиламиз, наслимиз давомчиларини кўрамиз. Ҳеч шубҳасиз, қиз бола соғлом, билимли, замонавий касб-хунар эгаси бўлса, у қуралдиган оила ҳам, бу оиланинг меваси бўлиши бола ҳам соғлом ва бахтли бўлади. Оила соғлом ва бахтли бўлса, бутун жамият барқарор ва фаровон бўлади.

Ҳаммамиз яхши тушунамизки, мамлакатимизда 2016 йилнинг Соғлом она ва бола йили деб эълон қилиниши аввало ана шундай эзгу мақсадга хизмат қиладиган. Ўшбу дастур доирасида жами 7 триллион 483 миллиард 300 миллион сўм ва 194 миллион 400 минг доллар ҳажмидаги ишларни амалга ошириш белгиланганининг ўзи, ўйлайманки, унинг миқёси ва қўлами қандай улкан эканидан далolat беради.

Дастурда белгиланган, кундалик ҳаётимизда энг муҳим эътибор қаратиш зарур бўлган йўналишлар ҳақида гапирганда, биринчи навбатда, тиббиёт масканлари, оилавий поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктларининг моддий-техник базасини мустақамлаш, акушер-гинекологлар, болалар шифокорларининг малакасини юксалтириш, она ва боланинг соғлиғидан мунтазам хабар олиб, уларга тегишли ёрдам кўрсатадиган патронаж ҳамширалар сонини кўпайтириш каби ўта долзарб масалалар бундан буён ҳам диққатимиз марказида бўлади.

Юртимизда ҳукм сураётган ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва аҳилликни янада мустақамлаш, ёшларимизнинг онги ва қалбини бизга мулақо ёт бўлган зарарли оқим ва таъсирлардан, «оммавий маданият» хуружларидан сақлаш, оилаларда, маҳаллаларда олиб бораётган тарбиявий ишларимизни янги босқичга кўтаришни бугун тобора кескинлашиб, мураккаблашиб бораётган ҳаётнинг ўзи барчамиздан талаб этмоқда.

Ана шундай ўткир масалаларни ечишда мен сиз, муҳтарама аёлларимизга, сизларнинг ақл-заковатларингиз, олижаноб фазилатларингизга таянишимни, сизларни ўзимнинг энг яқин маслаҳатчиларим ва сафдошларим, деб билишимни фурсатдан фойдаланиб бугун яна бир бор таъкиллаб айтмоқчиман.

Азиз ва қадрли опа-сингилларим! Бамисоли баҳор элчиси бўлиб келаётган, ўзингиздек гўзал ва дилбар мана шу кутлуғ айёмда барчангизга сийҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Умрингиз узок, иқболингиз зиёда бўлсин!

Барча эзгу орзу-ниятларингиз амалга ошсин!

Доимо оилангиз ва фарзандларингиз, элу юртимиз ардоғида бўлинг, азизларим, меҳрибонларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



СОҒЛОМ ОНА — БАРКАМОЛ АВЛОД

«Туркистон» саройида 5 март куни Халқаро хотин-қизлар кунини муносабати билан тантанали тadbir бўлиб ўтди

Баҳорнинг илк кунларида хотин-қизлар байрамининг нишонлишида ажиб рамзий маъно бор. Баҳор аёлларимизга, аёлларимиз баҳорга ўхшайди — бири бирдан гўзал. Мамлакатимизнинг бош майдони — Мустақиллик

майдонида Бахтиёр она хайкали барпо этилгани юртимизда оналарга, аёл зотига юксак эҳтиром кўрсатиш, хотин-қизларни эъозлаш, соғлом авлодни вояга етказиш Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган

ислохотларнинг устувор йўналишларидан эканининг рамзий ифодасидир. 5 март куни Бош майдонимиз ҳар қачонгидан жозибали, файзли тус олди.

► Давоми 3-бетда.

КҮРИК-ТАНЛОВ

ЎзХДПнинг энг фаол аёллари

Пойтахтимиз Тошкентда «Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг энг фаол аёли» кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди.



Икки кун давом этган кўрик-танлов иштирокчилари дастлаб Мустақиллик майдонидаги Бахтиёр она хайкали пойига гуллар қўйишди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ЎзХДП фракцияси аъзолари билан учрашиб, парламент фаолияти, қонун ижодкорлиги жараёни билан танишишди.

► Давоми 2-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси тўғрисида ахборот

Фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари ваколатлари муддати шу йил май-июнь ойларида тугаши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасига, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 23-моддаси ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни-

нинг 8, 10 ва 11-моддаларига мувофиқ, мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига навбатдаги сайловни ўтказишга тайёргарлик кўришмоқда. Бу йил 9764 нафар фуқаролар йиғини раисини ва уларнинг 99 минг нафардан ортиқ маслаҳатчисини сайлаш режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг шу йил 5 мартда бўлиб ўтган мажлисида фуқаролар йиғинлари раислари ва улар

маслаҳатчиларининг сайлови-га тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Қайд этилганидек, мустақиллик йилларида маҳалла институтининг мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ишончли таъини ва таъсирчан кучи бўлиб хизмат қилишига зарур шароитлар яратиш борасида кенг қўламли ташкилий-ҳуқуқий чора-тadbirlar босқичма-босқич амалга оширилди.

► Давоми 3-бетда.

КЎРИК-ТАНЛОВ

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ
ХАЛҚАРО САВДО
МАРКАЗИНИНГ
КОНФЕРЕНЦ-
ЗАЛИГА КИРИБ
БОРГАНИМИЗДА,
ЮЗИДАН НУР
ЁФИЛИБ ТУРГАН
ОНАХОН
ЭЪТИБОРИМИЗНИ
ТОРТИДИ. ЧУНКИ
ЗАЛДА
ЙИФИЛГАНЛАРНИНГ
АКСАРИЯТИ ЁШ
ЙИГИТ-ҚИЗЛАР,
ЎРТА ЁШЛИ АЁЛЛАР
ЭДИ.

■ Мамлакатимизда хотин-қизлар демократик
ислохотларнинг фаол иштирокчисига айланмоқда.



Айни пайтда Ўзбекистон
Халқ демократик партия-
си аъзоларининг 192
мингдан зиёди, яъни 48
фоизини хотин-қизлар
ташкил этади. Улардан
300 нафардан ортиги
минтақавий ва маҳаллий
партия ташкилотларида
турли лавозимларда
фаолият юритади. Жум-
ладан, партияимизнинг
Наманган, Бухоро, Жиз-
зах, Фарғона вилоят кен-
гашлари, 50 га яқин ту-
ман, шаҳар кенгашлари
ҳамда 3600 дан ортиқ
бошланғич партия ташки-
лотларига хотин-қизлар
раҳбарлик қилади.

ЎзХДПнинг энг фаол аёллари

— Онажон, байрамингиз мубо-
рак. Танловда кимдир қўллаб-
қувватлашга келган кўринасиз?

— Раҳмат, болажоним. Ҳа,
Навоийдан келдим. Қизим Раъно
бутун мана шундай чиройли тад-
бирда, нуфузли кўрик-танловда
қатнашди. Унга далла бўлгани
кудам билан бирга келдик. Кеча
Алишер Навоий кутубхонасида
бўлдик. Қизимнинг танловда иш-
тироки бир қувонч бўлса, бундай
қошоналарни, ҳашаматли биноларни
томоша қилиб, олган таассурот-
ларим минг қувонч бўлди. Танла-
нали безатилган сахналарни кўриб,
ўзим ҳам ҳаяжонланиб ўтирибман,
болажоним. Қизимни дуо қилапман.

Ҳақиқатан ҳам, залда йиғилганлар-
нинг кўпчилиги **Робия Мавлонова**
каби ҳаяжонда. Бугун ЎзХДП Мар-
казий Кенгаши Хотин-қизларнинг
ижтимоий-сиёсий фаоллигини
ошириш сектори томонидан таш-
кил этилган «Ўзбекистон ХДПнинг
энг фаол аёли» кўрик-танловининг
республика босқичи ғолиблари
аниқланади.

Танлов бошланишидан аввал
ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси
Ҳотамжон Кетмонов хотин-қизлар-
ни баҳор айёми билан самимий
кутлади. Эзгу тиллар билдириди:

— Мана, бугун сизлар билан
яшариш ва янгилашни айёми
бўлган баҳор фаслининг дастлабки
кунларида, юртимизда Халқро хо-
тин-қизлар кунини кенг нишон-
лашга катта тайёргарлик қўрилаёт-
ган шукҳули онларда учрашиб ту-
рибмиз. Барчангизга байрам мубо-
рак бўлсин, азиз опа-сингиллар!

Маълумки, мустақиллик йилла-
рида Президентимиз раҳбарлигида
мамлакатимизда хотин-қизлар ҳар
томонлама қўллаб-қувватланмоқда,
ижтимоий-сиёсий ислохотларда
уларнинг фаол иштироки таъмин-
ланмоқда, аёлларимиз, оналаримиз
ҳаётида муносиб яшашлари учун за-
рур бўлган шарт-шароит яратил-
моқда.

Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва ман-
фаатларини таъминлаш масаласи
аввало Конституция ва қонуна-
римизда мустаҳкамланди. Қатор
имтиёз ва имкониятлар яратилди.
Айниқса, сайлов тўғрисидаги
қонуниликда сиёсий партиялардан
депутатликка кўрсатилган ном-
зодалар орасида хотин-қизлар 30
фоиздан кам бўлмалиги белгилаб

қўйилгани уларнинг сиёсий жара-
ёнларда фаол иштирокини таъмин-
лашга хизмат қилмоқда.

Яратилган имкониятлар нати-
жасида мамлакатимиз парламенти
ва маҳаллий Кенгашларда хотин-
қизлар сони ва ҳиссаси тобора ор-
тиб бормоқда. Халқ демократик
партияси мисолида айтганимиз
бўлсак, бугунги кунда Олий Маж-
лис Қонунчилик палатасида 5 на-
фар, маҳаллий Кенгашларда 400
нафарга яқин депутат аёл партия-
миз электорати манфаатларини
ҳимоя қилмоқда.

Айни пайтда Ўзбекистон Халқ
демократик партияси аъзолари-
нинг 192 мингдан зиёди, яъни 48
фоизини хотин-қизлар ташкил эт-
тади. Улардан 300 нафардан ортиги
минтақавий ва маҳаллий партия
ташкилотларида турли лавозимлар-
да фаолият юритади. Жумладан,

Шундан сўнг партия етакчиси
барча қатнашчиларга омад тила-
ди.

Бир-бирдан лобар иштирок-
чилар бирин-кетин саҳнага чиқиб
келишди. Лойиҳа тақдими шарт-
қизлар сони ва ҳиссаси тобора ор-
тиб бормоқда. Халқ демократик
партияси мисолида айтганимиз
бўлсак, бугунги кунда Олий Маж-
лис Қонунчилик палатасида 5 на-
фар, маҳаллий Кенгашларда 400
нафарга яқин депутат аёл партия-
миз электорати манфаатларини
ҳимоя қилмоқда.

Қорақалпоғистон Республика-
си, вилоятлар ва Тошкент шаҳар
босқичларида ғолиб бўлган 14 на-
фар иштирокчи Алишер Навоий
номидаги Ўзбекистон миллий ку-
тубхонасининг катта мажлислар
залида «Қонуларимиз ҳаётимиз
асосидир», «Сиёсий ҳозиржавоб-
лик» шартлари бўйича беллашди.

Унда иштирокчилар нотиклик
санъати ва сиёсий-ҳуқуқий билим-
ларини намоён этишди.

**Бугунги кунда Олий Мажлис Қонунчилик
палатасида 5 нафар, маҳаллий Кенгашларда
400 нафарга яқин депутат аёллар партиямиз
электорати манфаатларини ҳимоя қилмоқда.**

партияимизнинг Наманган, Бухоро,
Жиззах, Фарғона вилоят кенгаш-
лари, 50 га яқин туман, шаҳар кен-
гашлари ҳамда 3600 дан ортиқ
бошланғич партия ташкилотлари-
га хотин-қизлар раҳбарлик қила-
ди. Шу рақамларнинг ўзиёқ мам-
лакатимиз сиёсий ҳаётида хотин-
қизларнинг ўрни ва фаоллиги то-
бора ошиб бораётганини яққол
кўрсатади.

Соғлом она ва бола йили му-
носабати билан қабул қилинган
Давлат дастурида оила, оналик ва
болаликни муҳофаза қилиш, улар-
нинг саломатлигини мустаҳкам-
лаш, ҳар томонлама соғлом авлод-
ни тарбиялаш билан боғлиқ кенг
қўламли вазифалар белгиланди.

Бугунги тадбирдан қўзлаган асо-
сий мақсадимиз ҳам мамлакатим-
изда хотин-қизларни ҳар томон-
лама қўллаб-қувватлаш борасида
олиб борилаётган оқилона сиёсат,
байрамона кўтаринкиликка ҳам-
оҳанг бўлиш, ЎзХДПнинг энг фаол
аёлини аниқлаш, фидойи аёлла-
римизга ҳурмат ва эҳтиром кўрсат-
ишдан иборат.

«Қонуларимиз ҳаётимиз асо-
сидир» шартда иштирокчилар
партияимиз электорати манфаат-
ларига дахлдор бўлган қонуна-
лардан бирининг мазмун-моҳияти ва
аҳамиятини нотиклик асосида
тушунтириб берди. Шу билан
бирга, қонуналарни партия дасту-
рий мақсадларидан келиб чи-
қиб янада такомиллаштириш
юзасидан ўз таклифларини ҳам
билдиришди.

Наманганлик иштирокчи **Алиба
Абдурахмонова** «Меҳнатни муҳо-
фаза қилиш тўғрисида»ги, самар-
қандлик иштирокчи **Гулшода
Ўлмасқулова** «Ўзбекистон Респуб-
ликасида ногиронларни ижтимо-
ий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги,
сирдарёлик иштирокчи **Гулчирай
Раҳмонова** «Васийлик ва ҳомий-
лик тўғрисида»ги қонуналарни,
навоийлик иштирокчи **Раъно
Кенжаева** эса Оила кодексини ба-
тафсил ва тушунарли тарзда шарҳ-
лаб берди. Уларнинг қонун ҳуж-
жатларини янада такомиллашти-
риш бўйича билдирган таклифла-
ри барчанинг эътиборини тортиди.



— Ҳали-ҳануз давом этаётган жаҳон
молиявий иқтисодий инқирози шароитида
ҳам мамлакатимизда амалга оширилаёт-
ган иқтисодий ва ижтимоий дастурлар бар-
қарор юқори иқтисодий ўсиш суръатлари-
ни, ижтимоий сиёсат самарадорлигини
таъминлашга хизмат қилмоқда, — деди **ўз
чиқишида сурхондарёлик иштирокчи
Шахло Қодирова**. — Айниқса, аҳоли банд-
лигини таъминлаш масаласига фуқаролар
турмуш фаровонлигини оширишнинг му-
ҳим омил сифатида эътибор қаратилмоқда. «Аҳолини иш
билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонун 1992 йил қабул
қилинган эди. 1998 йилда ушбу қонунга қатор ўзгаришлар
қилинди. Аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги давлат
сиёсатининг асосий принциплари, меҳнат қилиш ҳуқуқи ка-
фолатлари, аҳолини иш билан таъминлашни тартибга солиш,
иш билан таъминлашга қўмаклашувчи давлат жамғармаси,
ишдан маҳрум бўлган қондаги ижтимоий кафолатлар ушбу
қонунда акс эттирилган.

Қонуннинг 18-моддасида кўрсатилганидек, бўш иш
жойлари (вакант лавозимлар) бор-йўқлиги тўғрисидаги
маълумотлар олдиндан (камидан икки ой олдин) маҳаллий
меҳнат органига тақдим этилиши лозим.

Катнашчи таклифи: Бу ўринда «бўш иш жойлари»
сўзлари олдида «фаолият юритаётган барча корхона ва
ташкилотлар» деган жумла қўшилса, мақсадга мувофиқ
бўлади. Сабаби, қонундаги меъёрни кичик корхона-таш-
килотлар ўзларига тааллуқли эмас, деб талқин қилиши
мумкин. Менимча, бўш иш жойлар тўғрисидаги маълу-
мотлар маҳаллий меҳнат органига томонидан доимий
равишда ўрганиб борилиши зарур.

«Сиёсий ҳозиржавоблик» шарт иштирокчилар
учун ҳам, аудитория учун ҳам қизиқарли бўлди. Тан-
лов катнашчилари Конституциямиз, сиёсий партия-
лар фаолиятига оид қонун ҳужжатлари, Олий Мажлис
палаталари ва партияимиз Сайловолди дастури, дунё
тарихидаги машҳур сиёсатчи аёллар ҳақидаги ранг-
баранг саволларга жавоб беришди.

Қорақалпоғистонлик иштирокчи **Ойша Матниёзова**,
жиззахлик **Халима Нигматова**, хоразмлик **Рашида
Султонова** саволларга аниқ ва батафсил жавоб берди.



— Давлат ва жамият бошқарувини
демократлаштиришда хотин-қизлар иш-
тирокини кенгайтириш муҳим аҳамият-
га эга, — дейди **сирдарёлик ишти-
рокчи Гулчирай Раҳмонова**. — Партияимизнинг Сайловолди дастурида
ҳам хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий
фаоллигини ошириш, мамлакатимизда
амалга оширилаётган ислохотларга
дахлдорлиги тўғрисида кучайтириш, ҳақ-
ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари-
да муҳим вазифалар белгиланган. Партияимиз тизимида
биринчи марта ўтказилаётган мазкур кўрик-танлов ана
шу вазифалар ижросига хизмат қилади, деб ўйлайман.

«Сиёсий ҳозиржавоблик» шартда бунга яна бир
амин бўлдим. Тайёргарлик жараёнида хотин-қизлар
ҳуқуқларига оид қўллаб қонун ҳужжатларини чуқур ўрган-
дим. Давлат ва жамият бошқарувида хотин-қизларнинг
ўрни ва ролини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза
қилиш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар
билан яқиндан танишдим. Танлов бизга катта мактаб
бўлди, десам, адашмайман.

Энди Халқро савдо марказининг конференц-зали-
га, «Лойиҳа тақдими» шартига қайтсак.
Шарт бошланди. Иштирокчилар бирин-кетин аудитория-
ни ўз лойиҳалари мазмун-моҳияти билан таништирди.

— Сиз қандай лойиҳа тақдим эт-
моқчисиз? — сўраймиз андижонлик
иштирокчи **Мавлудхон Хўжаевдан**.

— Менинг лойиҳам «Сиз ҳам жамият-
нинг тўлақонли аъзосиз!» деб номла-
нади. Қўл меҳнати асосида кўрпа, ёстиқ-
лар, совғалар учун мўлжалланган турли
буюмлар тайёрлаш орқали жисмоний
имконияти чекланган кишиларнинг банд-
лигини таъминлашга ҳисса қўшмоқчиман.
Маҳалламиздаги уч-тўрт нафар шундай
инсонларга тўқиб, буюмлар тайёрлашни ўргатаман. Лойи-
ҳада кичик цех ташкил қилишни илгари сурганман.

Бу иш амалга охираси, бозорларимизни арзон ва сифат-
ли маҳсулотлар билан таъминлаш, болалар учун табиий
маҳсулотлардан тайёрланган ўйинчоқ ва совғаларни со-
тувга чиқариш режалаштирилган.



— Хар йили педагогик таълим муас-
сасаларини қўллаб қизларимиз битириб
чиқмоқда, — дейди **Тошкент вилояти
иштирокчиси Дилдора Файзуллаева**.
— Лекин уларнинг барчаси ҳам ўз мута-
хассислиги бўйича ишга жойлашяпти,
деб айтолмаймиз. Бунинг турли хил са-
баблари бор, албатта. Айрим қизлари-
миз эрта турмушга чиқиб, фарзанд кўриб,
бола тарбияси билан банд бўлади.

Мен тақдим этаётган «**Кичкина олам**» номли лойиҳа
айнан педагогик маълумотга эга, лекин бола тарбияси
билан машғул бўлган аёлларнинг оилавий мактабга
таълим тарбиясига сифатидаги уй меҳнатини ташкил
етишга қаратилган. Бу масала партияимиз Сайловолди
дастурида ҳам муҳим вазифа сифатида белгиланган.

Айтиш кераки, бошқа иштирокчилар тақдим этган
лойиҳалар ҳам партияимиз электорати манфаатларига
қаратилгани, ҳаётий масалалар кўтарилгани билан
аҳамиятли бўлди.

Нихоят, ҳаяжонли дақиқалар етиб келди. Ҳакамлар
хайъати умумий балларни эълон қилди:

**Учинчи ўрин — Навоий вилоятидан
Қизилтепа агро-сервис ва транспорт
касб-хуна қоллежи тарих фани ўқитув-
чиси Раъно Кенжаева.**

**Иккинчи ўрин — Қорақалпоғистон
Республикасида Элликкалға санъат ва
педагогика коллежи мусиқа ўқитувчи-
си Ойша Матниёзова.**

**Биринчи ўрин — Хоразм вилоятидан
Ҳазорасп педагогика ва хизмат кўрса-
тиш касб-хуна қоллежи мусиқа фани
ўқитувчиси Рашида Султонова...**

Залда гулдурас қарсақлар жаранглади. Навоийлик она-
хон қўзларида ҳам чексиз қувонч порлади. Унинг қизи
Раъно Кенжаева танлов ғолиблари қаторидан жой олди.

Албатта, танловларда ғолиб ва совриндорлар аниқла-
нади. Лекин бундай беллашувларнинг аҳамияти ким не-
чанчи ўринни олгани билан ўлчанмайди. Муҳими, тан-
ловнинг барча босқичларида мамлакатимиз бўйлаб юз-
лаб хотин-қизларимизнинг иштирок этгани, шу орқали
билими юксалгани, фикри, дунёқараш ўзгаргани, деб
ўйлаймиз.

Танловда турли номинациялар бўйича ҳам ғолиблар
тақдирланди. Шундан сўнг барча иштирокчи ва меҳмон-
лар байрам дастурхонига таклиф этилди, хотин-қизларга
совғалар улашилди, байрам тадбири кўтаринки руҳда
давом этди...

Гулрух ОДАШБОВА,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.



■ «Аёллар — фаришталарнинг опа-сингилларидир»

Нуруллоҳ ДОСТОН
ёзиб олди

БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, МУҲТАРАМА АЁЛЛАР

БАҲОР ВА БАХТ СИЗНИ ТАРК ЭТМАСИН



Мунаввара
УСМОНОВА,
Ўзбекистон
Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси,
шоира:

— Аёл бу — меҳр-муҳаббат, аёл — гўзаллик ва нафосат тимсоли. Ватан, замин сўзларининг она сўзи билан пайваст айтилиши — аёлнинг улуғлигидандир. Мавлоно Румий айтганларидек, «Хар бир зот онасига муруват кўрсатиб, эҳтиромли бўлиши зарур, зеро она Худонинг марҳаматидан баҳрадордир».

Хар бир аёл гўзал, ўзича тароватли, лекин суюкли аёлдан кўра бахтиёрроқ, гўзалроқ, шодумонроқ аёл бўлмаса керак дунёда. Яратган хар бир қизга, аёлга ўзига хос латофат, меҳр ато этган.

Шарқ тафаккур ҳазинасида шундай битиклар бор: «Агар эркакка таълим-тарбия берсанг, бир кишини тарбия қилган бўласан, аёлга таълим-тарбия берсанг, бутун миллатни тарбиялаган бўласан».

Биз оилада кўпчилик эдик. Аммо шунча фарзандни дунёга келтириб, тарбия қилиш улайтирган онамнинг «чарчадим», деган сўзини эшитмаганимиз. Тунлари бешикда ётган укамга алла айтиб, кашта, камалакранг сузаналар тикардилар. Тонгда кўзимизни очсак, саватни тўлдириб иссиқ нон ёпиб қўйган онамнинг сўзларида миннат, кўзларида хорғинлик йўқ эди.

Бир кун онам буюрган

юмушини бажармаган акамни қаттиқ қойидилар. Кейин қилган ишидан пушаймон, бош эгиб ўтирган акамнинг елкасини сишиб, «Ишламаган тишламайди болам, мен сизларни бекорга уришмайман, ёмон йўлдан қайтариш, тўғри йўлни топиб олишларингиз учун куйинаман. Қара, ўтган йилги лола аёз билан олишиб, туҳумидан яна униб чиқяпти, кўм-кўк тут баргини еб, озгидан иппак қилиб чиқаргунча, қурт неча ўлиб-тирилишини биласанми?», деганлари ёдимда. Энди ақлимни таниб, ўқиб, изланган чоғим, онам ҳазрат Навоий ҳикматларини билар эканлар-да, деб ўйлангил қоламан.

Биз аёлнинг аёллигини ўлчамоқчи, баҳоламоқчи бўлсак, тарозининг иккинчи палласига вафо-садоқатни қўямиз. Бу номомерос ибора...

Ахир, Иккинчи жаҳон урушида чимилдикда қолган қанчалаб келинчақлар жанггоҳлардан келган «қора хат»ларга ҳам ишонмай, бир умр уч кунлик, беш кунлик, бир ҳафталик ёстикдошларини кутиб, сарғайиб яшаганларини биламиз-ку!

Мен туғилиб ўсган жойга яқин бир қишлоқда Халимаҳон ая яшарди. Кўп суҳбатлашганман. Турмуш қуриб, уч кунгина яшаган. Умр йўлдоши фронтга кетадиган кун ховли саҳнида

■ «Агар эркакка таълим-тарбия берсанг, бир кишини тарбия қилган бўласан, аёлга таълим-тарбия берсанг, бутун миллатни тарбиялаган бўласан».



туркираб бўй қўзиб турган ўрик дарахтига катта мих қоқиб, «агар Худо бизга фарзанд берса, беланчак боғини мана шу михга илинглар. Юрт тупроғидан насибам узилмаган бўлса қайтаман, қайтмасам, умримнинг қолганини сизларга берсин», дея хайрлашган экан. Орадан кўп ўтмай, «қора хат» келибди. Хомилардор келинчақ бева бўлиб қолибди.

Ўша қоқилган михга уч авлод беланчаги илинди. Насиба узилгани билан насл давом этди. Йигирма ёшида бева бўлиб қолган аёл вафодан висол излаб, бардошдан бахт, сабрдан саодат топди. Онахон билан бир галги суҳбатимизда:

«Яқин кишини оламдан ўтган одам қўйганида, тупроғига бориб бошини уради, йилгайди, дардини айтиб, юрагини тўкади. Аммо ўша совуқ тупроғи ҳам бўлмаса, ўлганига ишонмас экансан. Шунча йилдан бери хар тонг эшикдан кириб келаётгандай йўл қарайман...», дегандилар.

Тошкент вилояти, Зангиота туманидаги «Чувалачи» маҳалласида истиқомат қилаётган, 111 баҳорни қарши олган Махбуба Ҳамидова билан суҳбат чоғи: «Бир асрдан ортиқ умр кўришингизнинг боиси нимада?», деб сўрадим. «Вой барака топкур болаларим-эй-й, деди у — тўқсонни қоралаганимда, юрт мустақил бўлди, тонгдан тунгача шўкрона айтиб, яратгандан кун сўрайман. Хар синовига кўниб, неки ёзмиш бўлса, елкамизни тутиб, сабрдан девор кўтариб, тоқатдан том ёганимиз ўчун берган муқофоти бўлса керак, деб, «Шўхрат» медалини кўксимга тақиб, қувониб яшапман-да, болам!».

Япониялик таниқли олим, ёзувчи, саёхатчи Акио Каватонинг журналистларга берган интервьюсини ўқидим. «Ўша маҳаллар халқ ўзини вақтинча еб ичишдан, кийиниши, кўнгил очишдан, саёхатдан ҳам чекланган. Бир сўз билан айтганда, миллат Японияни тиклаш, оёққа турғазини йўлида бирлашди», —

дейди у Иккинчи жаҳон урушининг сўнгги йилларини хотирлаб.

Бундай фидокорлик бизга бегонами? Йўқ асло! Фашизмга қарши жанг бораётган пайтда момоларимиз қўл қовуштириб ўтирмаган, далага чиқиб меҳнат қилган, ҳатто сандигидаги мерос зеб-зийнатга «Галаба учун», деб бериб юборган. Пахтали нимчасини жангдаги эр йигитларга тортиқ қилиб, ўзи бўз қўйлақда, бир тишлам зогорага зор қолган пайтларида ҳам бола тарбия қилган.

Бугун давр ўзгача, қарашларимиз ўтти, қадамларимиз дадил, юрагимизда умид ва фахр. Президентдан рағбат, ҳукуматдан мадад кўраётган аёллар бугун депутат, сенатор, маданият ва фан арбоби, Ўзбекистон Қаҳрамони...

Муҳтарам она-сингиллар! Нафосат ва гўзаллик байрами Халқаро хотин-қизлар кунини мурабба бўлсин! Баҳорингиз бахт олиб келсин, бахтингиз йўллари мунаввар бўлсин!

Ҳозирги кунда республикамиздаги касабаяюшмаси аъзоларининг уч миллион нафаридан 48 фоизи хотин-қизлардир. Демак, шунча аёл иқтисодий-ижтимоий, маданий-маърифий соҳаларда меҳнат қилмоқда.

АЁЛ МАМНУН БЎЛСА...

Маълумки, мамлакатимизда ишловчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш Асосий Қонунимизнинг 59-моддасига кўра, касабаяюшмалари зиммасига юклатилган. Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Хотин-қизлар кенгаши, тармоқ касабаяюшмалари Республика кенгашлари ва ҳудудий бирлашмалар хотин-қизлар комиссиялари фаолияти эса мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча корхона, ташкилот ва муассасаларда ишлаётган аёлларни ҳар томонлама муҳофаза қилиш, уларга муносиб ва хавфсиз меҳнат шaroити яратиб бериш устидан жамоатчилик назоратини олиб боришга йўналтирилгандир.

Энг муҳими, ушбу Кенгаш ва комиссиялар вакиллари иш бевури билан тузиладиган келишув ҳамда жамоа шартномаларини экспертизадан ўтказиш жараёнида фаол иштирок этмоқда. Натижада мазкур ҳужжатларнинг аёллар меҳнатига оид бўлимлари тақомиллаштирилиб, уларда акс этган шартларнинг тўлиқ бажарилишига эришилаёпти. Бу эса барча ташкилот ва муассасаларда, айниқса, ишлаб чиқариш тармоқларида хотин-қизларнинг самарали меҳнат қилиш, дам олиши, фарзандлар тарбияси билан шугулланиши, соғлиқларини тиклаши учун зарур шарт-шaroит яратиш имконини бермоқда.

Ёш оилаларнинг турмуш фаровонлигини юксалтиришга қўмақлаштириш ҳам устувор вазифалардан бири қилиб белгиланган. Ўтган йили иш бевури ва касабаяюшмаси маблағларидан 585 корхонада 2460 ёш оилага уй-жой қуриш ҳамда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган товарларни харид қилиш учун 46 678,6 миллион сўм миқдорда фоизсиз қарз ажратилди. Икки ёшдан уч ёшгача фарзандлари бўлган 7 минг нафар аёлга 3 миллион сўмдан ошқун моддий ёрдам

берилди. Нодавлат мулк шаклидаги 1405 корхона ва ташкилотларда ишлаётган 6240 нафар аёлга ойлик маоши сақланган ҳолда иш вақти ҳафтасига 35 соатдан ошмайдиган қилиб белгиланди.

Хотин-қизларнинг соғлигини муҳофаза қилиш ҳам доимий диққат-эътиборимиздаги масалалардан биридир. Ўтган йили 1376 нафар туғиш ёшидаги аёл ва 3 мингдан зиёд она-бола касабаяюшма шартномаларида соғломлаштирилди. Кам таъминланган оилалардан бўлиши 463 аёл эса бепул даволанди. 204 нафар фарзандталаб аёлларга «Умид гулшани» санаторийсига имтиёзли йўланмалар берилди.

Кенгаш ва комиссиялар фаоллари нодавлат секторидида фаолият кўрсатаётган ҳамда касаначилик билан шугулланаётган аёлларни ижтимоий муҳофаза этиш, уларга жойларда муносиб меҳнат шaroити яратиш масалалари билан ҳам мунтазам шугулланмоқда. Бу борадаги аҳвол доимий ўрганилиб, иш бевуриларга аниқ тақлиф ва тавсиялар тақдим этиляпти. Касаначилар билан меҳнат шартномаси тузилиб, ҳар бирига меҳнат дафтарчалари очилган.

Кўпгина йирик корхоналарда иш бевури томонидан касаначи аёлларга зарур хомашё ва материалларни уйларида етказиб бериш, тайёр маҳсулотларни белгиланган муддатда олиб кетиш, корхона иши учун сарфланган электр қувватининг ҳақини тўлаш йўлга қўйилган.

Ўқоридида сингари мисолларни кўпалаб келтириш мумкин. Қўрилаётган чоратадбирлардан кўзланаётган мақсад хотин-қизларнинг хавф-хатардан холи шaroитда хотиржам ишлаши учун қўлай ва соғлом муҳит яратишдир.

Аёлларнинг ўз иши ва ҳаётидан мамнулиги оилаларнинг тинчлиги ва фаровонлигини, жамиятнинг раванглигини таъминлашга хизмат қилади.

Эътибор РАҲМОНОВА,
Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси
Хотин-қизлар кенгаши раиси ўринбосари.

ХОНАДОНИМИЗ САРИШТАЛАРИ

Қайрат ХҲЖАНИЕЗОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони:

— Мен учун оила даврасида бўлишнинг ўзи катта байрам. Чунки 1995 йилдан бошлаб Австралиянинг Сидней университетига мутахассислари билан ҳамкорликда ҳар йили апрелдан то октябрь ойигача Қорақалпоғистон ҳудудига қадимий қалъаларда археологик қазилма ишларини олиб бораёلمиз.

Ўтган йили миллоддан олдинги даврга оид зардуштийлар эҳромиде қазилма ишлари олиб борганимизда, унинг деворларига чизилган рангли суратлар топилди. Ҳозир бу суратлар Франция, Австралия ва ўзбекистонлик мутахассислар томонидан реставрация қилинмоқда. Энг қизиғи

шундаки, бу қадимги Хоразм ҳукмдорларининг суратлари бўлиб, унда хоразмий маликалар қиёфаси ҳам акс этган.

Айтмоқчиманки, бизда ҳақиқат аёллар эъзозда бўлган, бундан буён ҳам улар хонадонларимиз фаршаси бўлиб қолаверади. Турмуш ўртоғим Умидхон Қорақалпоғистон Республикасида хизмат қўсатган ўқитувчи, у билан Нукус университетининг тарих факультетига бир курсда ўқиганимиз. 8-март кунини ҳолимиз шогирдлар, фарзандлар, невараларга тўлади, байрам бўлиб кетади. Бахтимизга хотин-қизларимиз соғ бўлсин, юртимиз тинч-лигига кўз тегмасин.

ЎЗА мухбирлари
НОДИРА МАНЗУРОВА,
ИРОДА УМАРОВА
ёзиб олди.

БУЮКЛАР АЁЛЛАР ҲАҚИДА

Оналарнинг оёғи остидадир
Равза жаннату жиннон боғи.
Равза боғи висолин истар эрсанг
Бўл онанинг оёғин туфроғи.

Алишер НАВОЙЙ

Онанинг қўллари — фаришта-
нинг қўллари. Шунинг учун ҳам
бола бу нафис паноҳда ширин
ухлайди.

Виктор ГЮГО

Аёлсан — шу билан ҳақсан батамом!
Зулматда маъбуда каби сочдинг нур.
Сенга талпинамиз кундузу оқшом,
Сенга бош эгамиз, минг бор ташаккур.

Валерий БРЮСОВ

ЎЗХДП ТАШАББУСИ БИЛАН

Фарғона вилояти Данғара туманида «Аёллар соғлиғи — жамият бойлиги» лойиҳаси доирасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

АЁЛЛАР СОҒЛИҒИ — ЖАМИЯТ БОЙЛИГИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши ташаббуси билан «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида ташкил этилган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг оила ва жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган ислохотлар юксак самаралар бераётгани таъкидланди. Давлат дастури ижросини таъминлашда жамоат бирлашмалари, жумладан, сиёсий партиялар ҳам фаол иштирок этмоқда.

— Партиянинг туман кенгаши сафидаги 2 минг 500 дан ортиқ аъзонинг етмиш

фоизи аёллардир, — дейди Ўзбекистон ХДП Данғара тумани кенгаши раиси Зиядаҳон Ҳамроалиева. — Депутатлик гуруҳининг 10 аъзосидан 5 нафари ҳам хотин-қизлар. Сафимизда ижтимоий соҳа раҳбарлари бўлган партиядошларимиз кўп. Бугунги тадбирда уларнинг сафига яна 20 нафар аёл қўшилди.

Ўзбекистон ХДП кўчма жамоатчилик қабулхонасида партия депутатлик гуруҳи аъзолари 46 хотин-қиз мурожаатини қабул қилди. Тадбир доирасида Данғара тумани «Оқжар» қишлоқ врачлик пунктида хотин-қизлар ва болалар тиббий кўрикдан ўтказилди.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА мухбири.

ЭЪТИРОФ

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИ МАМЛАКАТ РИВОЖИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚўШАЁТИР

Президентимиз раҳнамолигида аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш, оила ва жамият ҳаётидаги нуфузини ошириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётир.

8 март — Халқаро хотин-қизлар кунини арафасида ЎЗА мухбирлари хотин-қизларга қаратаётган эътибор, аёлларнинг жамиятимизда тугган ўрни ҳақида чет эллик мутахассислар, экспертлар ва сайёҳлар билан суҳбатлашди.

Мария Людовика ЛЕАЛИ, «Европа хотин-қизлари лоббиси» ташкилотининг Италиядаги бўлими бош қотиби:

— Ўзбекистонда хотин-қизларнинг жамиятдаги нуфузини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таҳсинга лойиқ. Давлат ва жамият бошқарувида хотин-қизларнинг иштирокини кенгайтириш мақсадида мамлакатингиз миллий сайлов қонунчилигига киритилган ўзгаришларга мувофиқ сиёсий партиялар томонидан ҳокимият вакиллик органларига сайловларда депутатликка номзодларни кўрсатишда хотин-қизлар учун камида 30 фоизлик квота белгилангани, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар аъзолари сафида хотин-қизлар кўпайиб бораётгани эътиборга молик.

Абхай НАРЕЙН, сайёҳ (Ҳиндистон): — Ўзбекистонда оилавий кадриятларга ва хотин-қизларнинг оилада

тутган ўрнига алоҳида эътибор қаратилиши ҳақида илгари кўп эшитгандим. Мамлакатингизга келиб, бунга бевосита гувоҳ бўлдим. Ўзбек аёллари ўзлари учун яратилган кенг имкониятлардан самарали фойдаланиб, фан ва техника, санъат ва маданият, сиёсат ва иқтисодийёт каби кўпалаб соҳаларда ютуқларни қўлга киритаётир.

Президент Ислам Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда ҳукм сураётган тинчлик ва оқилоллик ҳалқингизнинг энг катта ютуғидир. Бундай мамлакатда тараққиёт бўлади. Одамлар эртанги кунга ишонч билан қарайди. Ўзбекистон аҳолисининг юрт тақдирига дахлдорлиги, ҳар соҳада билимдонлиги ва фаоллиги таҳсинга лойиқ ва кишининг эътиборини тортади.

Реджинхард ФРИДРИХ, сайёҳ (Германия):

— Халқингизда хотин-қизларга ўзгача меҳр-эътибор, ҳурмат билан қаралиши менда катта таассурот қолдирди. Бундай эҳтиром оғушида яшаган аёллар, албатта, бахтли бўлади.

Мамлакатингиз аёллари барча соҳаларда фаол экани, уларнинг ораву-интилоқлари қўллаб-қувватланилаётганига ҳавас қилса арзийди. Авваллари Шарқ аёли фақат уй юмушлари ва

бола тарбияси билан банд, деб ўйлардим. Ўзбекистонга келиб, бу борадаги фикрим тамоман ўзгарди. Юртингиз хотин-қизлари ўзлари севган касб-хунарларни эгаллаб, жамият ривожига, мамлакат тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётгани таҳсинга сазовор.

Хироюки ШИНДО, сайёҳ (Япония):

— Ўзбек халқи азалдан яратувчанлик ва бунёдкорлик ишларининг устаси сифатида донг таратган. Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хива, Шаҳрисабз каби шаҳарларингиздаги гўзал меъморий обидалар ва муқаддас қадамжолар дунёда кам учрайди. Шу боис бу заминда қурилган обидалар асрлар давомида жаҳон аҳлини ҳайратга солиб келмоқда.

Ўзбекистонда Халқаро хотин-қизлар кунини кенг нишонланишидан хабарини бор. Байрам яқинлашиб келаётгани ҳар қадамда сезилиб турибди. Пойтахтингиз дўконлари аёллар учун турли совғалар, гулларга тўла. Эрикларнинг ҳозирданок оналари, опа-сингиллари, турмуш ўртоғи ва қизлари учун совға харид қилаётганини кўриб, қувонасан киши. Фурсатдан фойдаланиб, уларни ушбу байрам билан чин қалбимдан табриклайман.

ИСТИҚЛОЛ
ИМКОНИЯТЛАРИ

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ:

БУНЁДКОРЛИК РУҲИ

Истиқлол яратган чексиз имкониятлар боис Навоий вилоятининг шаҳар ва қишлоқлари кун сайин чирой очиб бормоқда. Буюк бобокалонимиз номидаги шаҳарнинг ўзи эса бугунги кунда росмана бунёдкорлик майдонига айланган. Ўзига хос меъморий услубда қад ростлаётган бир-биридан кўркем кўп қаватли уйлар, шифо масканлари, таълим муассасалари, спорт саройлари, болалар мусиқа ва санъат мактаблари унинг қиёфасини бутунлай ўзгартириб, замонавий шаҳар кўрқига кўрк қўшмоқда.

Айниқса, саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга катта эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида, вилоятнинг саноати ривожланмоқда, иқтисодий салоҳияти янада ошиб, аҳоли турмуши фаровонлашмоқда. Ўтган 2015 йил якунига кўра, вилоятда янги ҳудудий маҳсулот ҳажми 9,0 триллион сўмни ёки 2014 йилга нисбатан 103,9 фоизни ташкил этди. Умумий қиймати 1,2 триллион сўмлик 53 йирик ишлаб чиқариш объекти қурилиб, ишга туширилди. Навоий кон-металлургия комбинатида 415,5 миллиард сўм миқдоридан капитал маблағлар ҳисобидан 30 лойиҳа амалга оширилди.

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий ҳудудда қилинаётган ишлар алоҳида эътирофга лойиқ. Бу ерда автомобиллар учун стартёрлар, автомобиль саноати учун эмалланган мис симлар ҳамда кабель ўтказгичли янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди. Бу эса кўплаб янги иш ўринлари яратиш имконини берди.

— Бандлик партияимиз зиммасидаги энг устувор масала, — дейди **халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи раҳбари Нормурод Исоқов**, — Навоий ЭИИЗда ташкил этилган 20 дан ортиқ корхонада асосан ёшлар меҳнат қилмоқда, улар сони қарийб икки минг нафарни ташкил этади.

Вилоятда иқтисодий соҳа объектларини қуриш, мавжудларини

қайта реконструкция қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, ўтган йили Инвестиция дастури доирасида қиймати 85,4 миллиард сўмга тенг бўлган 96 иқтисодий соҳа объектлари қурилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилди. 18 умумий ўрта таълим мактаби, 4 академик лицей ва касб-хунар коллежи, 6 болалар спорт объекти, 10 мактабгача таълим ҳамда бир қатор тиббиёт муассасалари фойдаланишга топширилди.

— Фарзандларимизнинг ўқимишли, ақлли, касб-хунароли бўлиши учун барча имконият яратилмоқда, — дейди **меҳнат фахрийси Турсун Пўлатов**, — Айниқса, замонавий лойиҳалар асосида қурилган ва жиҳозланган спорт иншоотлари болаларнинг жисмонан соғлом, иродали бўлиб вояга етишига хизмат қилмоқда. Иккита набирам қўл жанги бўйича Ўзбекистон чемпиони бўлди. Уларнинг қадди-коматига, юриш-туришига қараб, тўғриси, гурурланиб кетаман.

Навоий вилоятидаги бунёдкорликлар ҳақида гап кетса, намунавий лойиҳа асосида қурилатган уйлар алоҳида эътироф этилади. Ўтган йили 23 массивда 745 уй ўз эгаларига топширилди.

Аҳолининг турмуш тарзини яхшилашга ҳам изчил эътибор қаратилиб келинмоқда. 2015 йилда умумий қиймати 15 миллиард сўмлик ёки 149 километрлик масофага сув қувурлари тортилиб, 56 кишлоқ тоза ичимлик суви билан таъминланди. Республика йўл-жамғармаси ва маҳаллий



АЛИШЕР НАВОЙИ

бюджет маблағлари ҳисобидан 30 миллиард сўм сарфланиб, 59 километрлик умумий лойиҳалар асосида қурилган ва жиҳозланган спорт иншоотлари болаларнинг жисмонан соғлом, иродали бўлиб вояга етишига хизмат қилмоқда. Иккита набирам қўл жанги бўйича Ўзбекистон чемпиони бўлди. Уларнинг қадди-коматига, юриш-туришига қараб, тўғриси, гурурланиб кетаман.

540 миллион долларлик 42 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш ҳам кўзда тутилган. «Навоий» ЭИИЗдаги «Green Line Profil» ва «National Plast» қўшма корхоналарида алюминий ва поливинилхлорид профиллар ишлаб



Ўтган 2015 йил якунига кўра, вилоятда янги ҳудудий маҳсулот ҳажми 9,0 триллион сўмни ёки 2014 йилга нисбатан 103,9 фоизни ташкил этди. Умумий қиймати 1,2 триллион сўмлик 53 йирик ишлаб чиқариш объекти қурилиб, ишга туширилди.

чиқариш мажмуасининг ишга туширилиши илгари мамлакатимизга четдан олиб келинадиган ушбу маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқариш имконини беради.

Шунингдек, хитойлик ҳамкорлар билан ташкил этилган «Uzhonkong» корхонасида йилга 50 минг дона планшет, 60 минг дона ноутбук ва 100 минг дона телевизор

ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Демак, бу маҳсулотлар билан аҳолини таъминлаш имконияти кенгайди, ўзимизда ишлаб чиқарилгани учун нархи ҳам арзонлашди.

Соғлом она ва бола йилида 63,6 миллиард сўмлик 82 иқтисодий соҳа объектини қуриш ва реконструкция қилиш режалаштирилган. 17 умумтаълим мактаби биноси бунёд этилади. Навоий шаҳридаги сил касалликлари диспансери битказилиб, шаҳар тиббиёт бирлашмаси ҳамда 250 қатновли оилавий поликлиника биноси қурилади.

Бир сўз билан айтганда, навоийликлар бунёдкорлик руҳи билан яшаб, мамлакатимиз раҳбарлиги, халқимизнинг фаровонлигига ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Айни чоғда ўзларининг турмушлари тобора фаровонлашиб, ҳаётдан рози бўлиб яшашмоқда.

Илҳом САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ Замонавий лойиҳалар асосида қурилган ва жиҳозланган спорт иншоотлари болаларнинг жисмонан соғлом, иродали бўлиб вояга етишига хизмат қилмоқда.

КЎНГИЛДАН КЎЧИРМАЛАР

Онамнинг бағрида бир гул бўлиб яшайман. Меҳр булоғидан сув бериб, юрагимга дўшат ва садоқатдан, дунёнинг жамини эзгу туй-гуларидан эиё индириб тарбияламоқда мени у. Муштилариимнинг кўнглида мен билан бирга ака-укамнинг ҳам орзу-истаклари ин қўрган. Мушфиқам оқсизгина жуссасида кўтариб юргани — олам таи-виши, кўзларидаги нур — вафо ва садоқат ифориديр.

ОНА МЕҲРИ

...Эмишки, Орол денгизи тўқайларида бир биянинг кўзи ёрибди. Жажжи бўталоқ емиш излаб, бехосдан ботқоққа тушиб кетибди. Чўкаётганида, бия ўзини ботқоққа ташлаб, сўнгги нафасида боласини кўтариб, ҳалок бўлибди. Оналик меҳри нафақат инсондай муқаррам маҳлуқотда, балки бутун табиатда муқамалдир.

Инсон бу оламнинг сарвари бўлса, оналар унинг гавҳаридир. Мен ҳам онам каби меҳр маликаси, кўнгил таржимони бўлаолар-

миканман? Ундаги жасорату матонатни ўзимдан топаоламани?...
Хаммамизда бугун бир туйғу ҳукмрон, аввало, онамизни ўйлаймиз, уни табриклашга ошиқамиз. Бу байрам хотин-қизлар байрами дейилса-да, аслида оналарни эъзозлаш, улар пойига ана бир бор бош эгиб, хурмат бажо келтирадиган кун, деб ўйлайман.

Шаҳноза СУЛАЙМОНОВА,
Навоий кон-металлургия комбинати ходими.

МАТОНАТЛИ АЁЛЛАР

Мустақиллик йилларида оналик ва болалик муҳофазаси, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларнинг жамият иқтисодий-сиёсий ҳаётидаги фаоллигини ошириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланган. Бу Президентимиз Фармон ва қарорлари, Ҳукумат қарорлари, Давлат дастурлари, бир қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, фуқаролик, оила, меҳнат, тиббиёт соҳасига оид, процессуал ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларида ўз ифодасини топган.

Жамият ҳаётини хотин-қизларсиз тасаввур этиш қийин. Аёл — чин маънода садоқатли ёр, меҳрибон она, оқила бўлиши билан бирга мардлик, жасурлик, жанговарлик хислатларига ҳам эга. Ички ишлар органларида кўплаб хотин-қизлар юрт тинчлиги ва оёйсизлигини сақлашдек муқаддас вазифани адо этиб келаётгани бунга яққол мисол бўла олади.



Ички ишлар вазирлиги Ижтимоий ва молиявий таъминот хизмати Молия-иқтисод бошқармасида узоқ йиллардан бўён фаолият кўрсатиб келаётган бўлим бошлиғи, «Шўхрат» медали соҳиби, подполковник Барно Сойинова, катта сержант Хури Холматова, девонхона бошлиғи Милла Ли ана шулар жумласидандир.

Раҳбарият томонидан берилган топшириқларни ўз вақтида

пукта бажариб, ўзини ишчан ва интизомли ходим сифатида намоён этаётган бу аёллар ҳамкасблари орасида ҳурмат-эътиборга сазовор бўлган тажрибали ходимлардан ҳисобланади. Улар шаънига қанча илиқ, саримий, эзгу тилакларни битганимиз билан барбериб оздек туюлаверди. Биз барча хотин-қизларни, бир сўз билан айтганда, АЁЛни улуғлаш, унга елкадош бўлиб, оғирини енгил қилиш эркакларнинг кундалик бурчи деб ўйлайман.

Байрамимиз муборак бўлсин, азизлар!

Мирзаумар ХАЛИЛОВ,
ИИБ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси ходими.

— Маҳфузaxon билан турмуш қурганимга 43 йил бўлибди. Шу вақт мобайнида бирор марта «сиз» оғзимиз «сан»га бормабди, бир-биридан ширин-шакор фарзандларни тарбиялаб, вояга етказдик. Гулчехраhon қизимиз врач, Маликахон иқтисодчи, Сирожиддин муҳандис бўлиб ишлайди, ҳаммаси ўзимиз тинч.

МУҲАББАТ АЁЛНИ АСРАЙДИ,
УЛУҒЛАЙДИ

В.Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейида ўқийётган неварам Иродахон Парижда ўтказилган фортепианочиларнинг халқаро танловинида иккинчи ўринни эгаллади. Бу бахт эмасми?

Биз 8-мартни ҳар доим катта хурсандчиликлар билан байрам қиламиз, ҳовлимиз невараларнинг шодон кулгусига тўлиб кетади. Улардан бири шеър ўқиб берса, бошқаси чизган суратини онажонига тақдим қилади. Бўёғи кейин Наврўз байрами, йиғилишиб сумалак пиширишади.

Эркин фикр алмашиш руҳида ўтказилган йиғилишда партия ташкилотлари ва гуруҳлари Соғлом она ва бола йилида янада фаол ва ташаббускор бўлиши зарурлиги таъкидланди. Бу борада устувор вазифалар белгилаб олинди.

Меҳроҳ ДАРХОНОВ

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши мажлислар зали учун 48000 BTU-соат қувватига ишловчи катта ҳажмдаги, шунингдек, 12000 ва 9000 BTU-соат қувватига ишловчи сплит-кондиционерларни сотиб олиш бўйича танлов эълон қилади.

Корхона ва ташкилотлар ушбу турдаги кондиционерларни етказиб бериш бўйича 2016 йилнинг 21 мартга қадар ўз таклифлари билан мурожаат этишлари мумкин.

Манзил: 100029 Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5/3.
Тел: (99871) 239-18-49, 239-83-12
Факс: (99871) 239-13-20

ЎЗХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

ТАЛАБЧАНЛИКНИ ОШИРИШИМИЗ КЕРАК

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда вилоят партия кенгаши масъул ходимлари, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзолари, бошланғич ташкилотлар фаоллари иштирок этди.

Йиғилишда тарбиёт-ташвиқот ишларини янада қучайтириш, бошланғич партия ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошириш, олдinda турган вазифалар атрофида муҳокама қилинди.

— Партияимиз мамлакатимизда иқтисодий соҳада кенг қамровли ишловлар амалга оширишга эътибор алоҳида эътироф этилади ҳамда бундай сиёсатни кўллаб-қувватлайди, — дейди **халқ депутатлари вилоят Кенгаши раиси Сирожиддин Аъзамов**, — Шу боис аҳолининг иқтисодий ҳимоясини қучайтириш партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари зиммасига катта масъулият

жойларда қонунлар бажарилишини депутатлик назорати тартибиде ўрганиши, давлат органлари мансабдор шахсларининг электоратимиз учун устувор бўлган иқтисодий масалалар бўйича ҳисоботлари эшитувини ташкил этиши талаб этилади.

Ўтган йили Ҳаракат дастури асосида аҳоли бандлиги, хусусан, касб-

Жорий йилда электорат манфаатларига оид кўплаб масалалар сессияларда кўриб чиқишига эришимиз лозим.

зилиб, уларда 7 минг нафардан ортиқ аҳоли иштирок этди.

— Бугун замон фаолиятимизга янги-янгидеги, янги-янгидеги талаб қилмоқда, — деди **халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Миркомил Фуломов**, — Ҳар бир партия гуруҳи маҳаллий Кенгаш сессияси ёки доимий комиссия йиғилишига масала киритишда ташаббус кўрсатиши,

хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, йўл-транспорт, муҳандислик, коммуникация ва иқтисодий инфратузилмани, касаначиликни ривожлантиришга бағишланган 24 масала партияимиз гуруҳлари



йиғилишлари ва доимий комиссияларда, 8 масала эса сессияларда муҳокама қилинган. Аммо бу етарлиқ эмас. Жорий йилда электорат манфаатларига оид кўплаб масалалар сессияларда кўриб чиқишига эришимиз лозим.

— Хотин-қизларнинг иқтисодий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни ўйлантираётган масалаларни ҳал қилиш бўйича яқиндан кўмак бериш «Фаол аёллар» қанотининг асосий вазифаси, — деди **вилоят партия**

кенгаши Хотин-қизларнинг иқтисодий-сиёсий фаоллигини ошириш сектори мудири Гули Абдурахимова. — Сектор томонидан вилоятдаги хотин-қизлар ҳамда коллеж битирувчилари бандлигини таъминлаш, уларни касаначилик меҳнати ва оилавий тадбиркорликка жалб этишга кўмаклашиш мақсадида «Ижтимоий ҳимоядан — иқтисодий фаоллик сари» лойиҳаси доирасида 100 га яқин маҳаллада давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилди. Унда хотин-

қизлар ўз фикр-мулоҳазалари, таклифлари билан фаол иштирок этди. Жорий йилда ҳам бу каби амалий ишларимизни янада қучайтирамиз, албатта.

Эркин фикр алмашиш руҳида ўтказилган йиғилишда партия ташкилотлари ва гуруҳлари Соғлом она ва бола йилида янада фаол ва ташаббускор бўлиши зарурлиги таъкидланди. Бу борада устувор вазифалар белгилаб олинди.


Меҳроҳ ДАРХОНОВ

8 МАРТ — ХАЛҚАРО
ХОТИН-ҚИЗЛАР БАЙРАМИ

Табрик, реклама ва эълонлар



FARG'ONA NEFTNI
QAYTA ISHLASH
ZAVODI



«ФАРҒОНА НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ»

унитар шўъба корхонаси жамоаси

мамлакатимиз аёлларини

Халқаро хотин-қизлар байрами

билан муборакбод этади.

Азиз оналар, опа-сингиллар!

Сизларга бахт-саодат,

сиҳат-саломатлик ва баҳорий

кайфият тилаймиз. Толеингиз

баланд, иқболингиз ҳамиша порлоқ

бўлсин!



**АЁЛ БАХТЛИ БЎЛСА,
ОИЛА БАХТЛИ БЎЛАДИ.**

Табрик, реклама ва эълонлар



TOSHRANGMETZAVOD

акциядорлик жамияти жамоаси

мамлакатимиз аёлларини

ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР БАЙРАМИ

билан муборакбод этади.



Март

*Кўклам нафаси уфуриб
турган шу ажиб кунларда
барчангизга сиҳат-
саломатлик, оилавий бахт-
саодат ва фаровонлик
тилаймиз.*



«Шўртангазкимё»

мажмуаси жамоаси

**азиз аёлларимизни
баҳор, гўзаллик ва нафосат**

**байрами – 8 март
билан муборакбод этади.**

**Қалбингиздаги эзгу
орзу-ниятларингиз ижобат
бўлишига, ҳаётингиз қувонч ва
шодликка тўлишига
тилақдошмиз!**



«ТОШКЕНТГАЗТАЪМИНОТ»



**унитар
корхонаси жамоаси**

**муҳтарама онажонлар, азиз аёллар ва қадрли
опа-сингилларимизни**

8 МАРТ — ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ
билан муборакбод этади!

*Аёлни улуғламоқ — Оилани, Ватанни,
ҳаётни улуғламоқ демакдир.*

*Тилагимиз шуки, баҳор қувончи, шодликлари сизларни
асло тарк этмасин!*



**АЗИЗ АЁЛЛАР, БАРЧА
ҚУВОНЧ ВА ШОДЛИКЛАР
СИЗГА БЎЛСИН!**

Табрик, реклама ва эълонлар


«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ»

акциядорлик компанияси жамоаси




барча аёлларимизни, меҳрибон оналар,
дилбар опа-сингиллар ва гўзал
қизларимизни **8 МАРТ — ХАЛҚАРО
ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ**
билан муборакбод этади!

Бутун борлиқ яшариб, еру-кўкда
буюк мўъжизалар содир бўладиган,
кўклам нафаси уфуриб турган шу
кунлардаги қувонч йил бўйи
ҳамроҳингиз бўлсин!



Хизматлар лицензияланган.

TURON BANK



Азиз ва мўътабар аёллар, Сизларни
8 Март — Халқаро хотин-қизлар байрами
билан муборакбод этамиз!

«Туронбанк» АТБ жамоаси
Хизматлар лицензияланган.

ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОРТМОҚДА

Кичик бизнес ва хусусий
тадбиркорлик субъектлари
экспортини қўллаб-қувват-
лаш жамғармасининг
Наманган вилоят филиали
хўжалик субъектларига
маҳсулотларини ташқи
бозорга олиб чиқишда
ҳуқуқий, ташкилий ва
молиявий ёрдам кўрсат-
моқда. Чунончи, ўтган
йили вилоятдаги 227 тад-
биркорга ташқи бозорлар-
ни ўрганиш ва ҳамкорлар
топишда, 6 тадбиркорга
эса экспорт шартномала-
рини тузиш ва рўйхатга
қўйишда кўрсатилган
амалий ёрдам туфайли
32,9 миллион АҚШ долла-
ри миқдоридagi маҳсулот-
лар Хитой, Россия, Қозо-
ғистон, Туркменистон каби
давлатларга экспорт
қилинди.



Хизматлар лицензияланган.

Ҳозирги кунда жамғарма фи-
лиали томонидан маҳаллий
ишлаб чиқарувчиларнинг экс-
порт географиясини кенгай-
тириш мақсадида уларнинг
хорижий давлатлардаги халқ-
аро кўرғазма ва ярмаркаларда
иштирокини таъминлаш

ишлари олиб борилмоқда. Бу-
нинг самараси ўлароқ, яқинда
Францияда ўтказилган «Who's
Next — Pret-a-Porter Paris
2016» халқаро кўрғазмасида
наманганлик бир неча тадбир-
кор ўз маҳсулотлари билан
қатнашди.

— Кўрғазма иштирокчилари-
да корхонамизда тайёрланган
тайёр кийимлар катта қизиқиш
уйғотди, — дейди «Люкс плюс
сервис» масъулияти чекланган
жамияти раҳбари Аюбхон
Бобомирзаев. — Айтиш керак-
ки, маҳсулотларимизни ташқи
бозорларга олиб чиқиш,
шунингдек, хорижий ҳамкор-
лар топиб, алоқалар ўрнатиш
учун яхши имкониятга эга
бўлди. Ҳозир экспорт битим-
ларини имзолаш юзасидан иш-
лар олиб бораётиб.

Жамғарма филиали томони-
дан кичик бизнес ва тадбир-
корлик субъектларига кўрса-
тилаётган амалий ёрдам экс-
порт имкониятларини янада
кенгайтиришга хизмат қил-
моқда.

Алишер РЎЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

AVTOSALON «SARDOR AVTO INVEST»



Манзил: Тошкент ш., Усмон Носир кўчаси, 113-уй.
Мўлжал: Жанубий вокзал.

Телефонлар: (+998 71) 215-09-11, (+998 90) 174-26-36

www.sardor-avto.uz

Маҳсулотлар сертификатланган
Хизматлар лицензияланган

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIY
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla O'RIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV

Ulug'bek
MUSTAFOYEV
Muslihidin
MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 359
17578
nuxxada
bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21.15
Topshirilgan vaqti — 01.00

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Nurullo OSTONOV

Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633



1 2 3 4 5